

# ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 72

20 05 2022 йил

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Д. Матмусаев** бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган "ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI" МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори **Ш.Ахмаджонов** иккинчи томондан, мазкур Поп тумани Уйғурсой МФЙда жойлашган 2-сонли ДМТТни мукамал таъмирлаш объектини лойиха-смета хужжатларини ҳамда лойиха олди хужжатлари билан тайёрлаш учун шартномасини тузиб имзоладилар.

## I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ си ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун **Бажарувчи** томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **ККС СИЗ 82 400 000 (саксон икки миллион тўрт юз минг) сум ташкил** этади

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми **Буюртмачи** томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи**, **Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

## III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг I иловасига мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета хужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

## IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини 10 (ўн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** инвестор томонидан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жорж молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятин

олади.

## V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 % фоизини олдиндан тулаб беради колган 70% ни бажарилган ишлар **вилоят хокимини фармойишига асосан маблағ ажратилгандан сўнг тулов амалга оширилади.**

## VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- ✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
- ✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

- ✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

- ✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

- ✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун

хужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижрояи органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг қучга киради.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### БУЮРТМАЧИ:

Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона  
буюртмачи инжиниринг компанияси  
Манзил: Наманган ш. Амир Темур кўчаси 105-уй  
Телефон: 233-06-11

ш/х\*: 400121860144017098805251001  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204 808 298

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в.: 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент шаҳри Марказий Банк ХККМ

МФО: 00014/ СТИРи: 201 122 919

Директор:  Д. Матмусаев



### БАЖАРУВЧИ:

"ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI" МЧЖ  
Линзил: Наманган ш, Б, Машраб кучаси 6 уй

х/р 2020 8000 5051 3482 3001

Банк: АТБ "INFINBANK" Наманган  
филиали МФО: 01113

ИНН 306802215,

ОКЭД 41100



Директор:  Ш.Ахмаджонов

### Хуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзолаша бўлади деб ҳисоблайман.

Компания ҳуқуқий маслаҳатчиси



К.Тулашев

« \_\_\_\_\_ »

2022 йил



**ЛОЙИХА-КИДИРУВ ИШЛАРИ УЧУН  
СМЕТА № 1**

Лойиха-кидирув ишларни текшириш, лойихалаш босқичлари, бино, иншоот, корхона номланиши:  
Поп тумани Уйғурсой МФЙда жойлашган 2-сонли ДМТТни мукаммал таъмирлаш объектини  
лойиха-смета хужжатларини ҳамда лойиха олди хужжатлари билан тайёрлаш тўғрисида.

Лойиха ташкилоти: «ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI» МЧЖ

Буюртачи ташкилоти: «Наманган Вилоят Хокимлигининг Ягона Буюртмачи Инжинеринг  
Компанияси»

№ т/р	Корхона, бино ёки иш тури тавсифи	Булим, жадвал ва параграфга асосланиши	Кийматининг хисоби (минг сум)	Киймати (сум)
1.	Поп тумани Уйғурсой МФЙда жойлашган 2-сонли ДМТТни мукаммал таъмирлаш объектини лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш	Лойиха-таджикот ишларининг кийматини аниқлаш тартиби тугрисидаги Низом 1-илова, пункт 44,1 4-илова пункт 8	СМР: 3 100 000 000/1,15 x 0,0305677%	82 400 000
2	Шундан: лойиха олди бирламчи хужжатлари тайёрлаш хизматларига			7 000 000
	<b>Жами:</b>			<b>82 400 000</b>

Смета буйича жами: саксон икки миллион турт юз минг сўм

**Илова:** 1. *Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Кумитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги №22-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосланиб ҳисоблаш ишлари бажарилди.*

«ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI» МЧЖ

директори:

Лойиха бош муҳандиси:

Буюртмачи вакили:



Ш.Ахмаджонов  
Ш.Юсуфжанов  
Р.Эгамбердиев

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

«20» май 2022 йил

Наманган ш.

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи.Инжиниринг компанияси ташкилоти томонидан 2022 йил 07 май № 22110012083239-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари “ тўғрисидаги қонунни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Поп тумани Уйғурсой МФЙда жойлашган 2-сонли МТТни мукаммал таъмирлаш объекти учун лойиха-смета ҳужжатларини режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур савдо якуни ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 62 моддасига асосан Давлат б уюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда Давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.Шунга асосан икки иш кун ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 82431 на приобретение Поп тумани Уйғурсой МФЙда жойлашган 2-сонли МТТни мукамал таъмирлаш объекти учун лойиха-смета хужжатларини**

Способ проведения электронный

Дата 17.05.2022

Время рассмотрения 17.05.2022 14:31

Конкурсная комиссия Вилюят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари	Наманган вилюят ЯБИК
<b>Секретарь комиссии</b>	ТОҶТАБАҲҲЕВ AKRAMJON BOQIYEVICH	Бош мутахассис	Наманган вилюят хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси
<b>Член комиссии</b>	SAYDAXMEDOV ISLOMXON ABDUMAXMUDXON O'G'LI	"Лойиха ва пудрат ташкilotлари фаолятини мувофиқлаштириш бўлими" бошлиғи	Вилюят қурилиш бош бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	DEDAHANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилюят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Етакчи мутахассиси	"SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI" ДУК Наманган вилюят филиали
<b>Член комиссии</b>	BEGMURODOV SARDOR BEGMUROD O'G'LI	"Архитектура лойихалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими" бошлиғи	Вилюят Қурилиш Соҳасида худудий инспекцияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.05.2022 года № лота 82431.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по разработке проектно-сметных работ</b>
Подробное описание	Поп тумани Уйғурсой МФЙда жойлашган 2-сонли МТТни мукамал таъмирлаш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш (бирламчи лойиха олди хужжатлари бирга тайёрлаш)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за	95 000 000.00

единицу	
Стартовая сумма	95 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойихачи ташкилотнинг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	5	мавжуд	2	Экспертная		
<b>DACEM MCHJ</b>	5	5	2	Экспертная		

Критерий №2 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салохияти ( 2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	15	Экспертная		
<b>DACEM MCHJ</b>	20	20	18	Экспертная		

Критерий №3 . Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилда (2019-2020-2021) лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	15	Экспертная		
<b>DACEM MCHJ</b>	20	20	14	Экспертная		

Критерий №4 Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	5	мавжуд	5	Экспертная		
<b>DACEM MCHJ</b>	5	5	2	Экспертная		

Критерий №5 Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	16	Экспертная		
<b>DACEM MCHJ</b>	20	20	13	Экспертная		

Критерий №6 Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	5	мавжуд	5	Экспертная		
<b>DACEM MCHJ</b>	5	5	5	Экспертная		

Критерий №7 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойихалаш дастурлари ) ва бошқалар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	18	Экспертная		
<b>DACEM MCHJ</b>	20	20	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>OOO ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	95 000 000.00	82 400 000.00	16.05.2022 10:14:52	100.00



<b>DACEM MCHJ</b>	95 000 000.00	82 600 000.00	17.05.2022 11:28:23	99.76
-------------------	---------------	---------------	------------------------	-------

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	Прошел	100	100
<b>DACEM MCHJ</b>	Прошел	99.76	99.76

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 82431 от 17.05.2022 года на приобретение Поп тумани Уйғурсой МФЙда жойлашган 2-сонли МТТни мукаммал таъмирлаш объекти учун лойиха-смета хужжатларини определила победителем:

ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI  
306802215

и резервный исполнитель: DACEM MCHJ (305840114)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAYDAXMEDOV ISLOMXON ABDUMAXMUDXON O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BEGMURODOV SARDOR BEGMUROD O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП